

“ЎЗБЕКИНВЕСТДАН СУЮНЧИ 5” АКЦИЯСИ ҚОИДАЛАРИ

1. Акцияни ўтказиш тартиби ва ўтказилиш ҳудуди

1. “Ўзбекинвестдан Суюнчи 5” акцияси (кейинги ўринларда – Акция деб юритилади) “Ўзбекинвест” ЭИСК АЖ ижобий имижини шакллантириш, мижозларнинг содиқлигини сақлаш ва мижозларни жалб қилишга қаратилган реклама кампанияси доирасида амалга оширилмоқда.
2. Рағбатлантириш “RANDOM.ORG” платформаси орқали амалга оширилади. Тадбир ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри.

2. Акция ташкилотчисининг номи

3. “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси. Юридик манзили: 100097, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли 3-тор кўча, 3-уй.
4. Акциянинг амал қилиш муддати 2026 йил 5 апрелдан 2026 йил 30 ноябргача.
5. Акция ғолибларини аниқлаш акция давомида ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 10-санасига қадар, бош соврин – автомобиль 2026 йил 25 декабрга қадар.
6. Совға фонди ҳар ой 2 та — **iPhone 17 Pro** смартфонни ҳамда акция якунида бош соврин — **BYD Song Plus DM-i UzPride** автомобили, шу жумладан совриндорларнинг солиқ тўловлари. Белгиланган совғалар алмаштирилмайди ва уларни нақд пул билан алмаштириб бўлмайди. Бошқа совғалар билан алмаштириш мумкин эмас.

3. Акция иштирокчилари ва Компаниянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Акцияда лаёқатли мижозлар, жисмоний шахслар, 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.
8. Компания ходимлари, яқин қариндошлари ва уларнинг оила аъзоларининг Акцияда иштирок этиши тақиқланади.
9. Акция тугатилгандан сўнг, Компания интернет тармоғида <http://insurance.uz> веб-сайтида Акциянинг тугатилганлиги тўғрисидаги хабарни эълон қилиши ёки тўхтатилганлиги тўғрисида бошқача тарзда оммавий равишда хабардор қилиши шарт.
10. Компания Акция қоидаларини бузган Акция ғолибига совға беришни рад этишга ҳақли.
11. Акция ташкилотчиси — Компания ҳеч қандай қўшимча розиликсиз Акция ғолибларининг фотосуратларини нашр этиш ва интервью олиш ёки оммавий ахборот воситаларида интервью эълон қилиш ҳуқуқига эга.

4. Акцияда иштирок этиш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

12. “Ўзбекинвест” компаниясидан ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта полисларини сотиб олган жисмоний шахслар орасидан Компаниянинг Insurance.uz, “Uzbekinvest” мобил иловаси ҳамда Компания билан ҳамкорликда ишлайдиган бошқа маркетплейслар (Click, MyGov ва бошқалар) орқали 50 минг сўм ва ундан юқори суғурта полисини харид қилган жисмоний шахслар акция иштирокчилари ҳисобланади.
13. Акция 2026 йил 5 апрелдан 2026 йил 30 ноябрга қадар давом этади.

14. Акция ғолиблари акция давомида ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 10-санасига қадар бир кунда иштирокчилар орасидан тасодифий танлаш йўли орқали аниқланади.
15. Акция ғолиблари Компаниянинг Instagram’даги расмий саҳифаси орқали жонли эфирда аниқланади.
16. Акция ғолиблари ютуқларни қабул қилиб олиш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID-карта), суғурта полисини сотиб олганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим этишлари шарт.
17. Акция ғолибларини аниқлаш шакллантирилган электрон рўйхатдаги иштирокчилар орасидан тасодифий танлов асосида амалга оширилади. Электрон рўйхатда ҳар бир иштирокчининг Ф.И.Ш., полис серияси ва рақами, ҳудуди ҳамда идентификация (ID) рақами акс этади.
18. “RANDOM.ORG” платформасида аниқланган иштирокчи ғолиб бўлади.
19. Ушбу процедура совғалар тўлиқ аниқланмагунча такрорланади.
20. Компания вакили эълон қилинган ғолибга Акция ғолиби сертификатини беради. Ғолиб Акция ўйналгандан кейин __ иш куни ичида Компания филиалига келиб, шахсини тасдиқлаши ва полисининг нусхасини ёки асл нусхасини тақдим этиши ҳамда сертификат олиши керак. Сертификат олгандан сўнг, топшириш ва қабул қилиш далолатномаси тузилади.
21. Акция ғолиби Акция вақтида совғадан воз кечиш ҳуқуқига эга. Агар ғолиб совғадан бош тортса, Компания совғани ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқига эга ва соврин яна ўйналади.
22. Иштирокчи томонидан юқоридаги суғурта тури бўйича шартномани Акция ўтказиш даврида ва суғурта муддатини ҳисобга олмаган ҳолда пул маблағларини қайтариш муддатидан олдин бекор қилиниши бундай иштирокчининг совға ўйинида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишига олиб келади.
23. Акция совриндорларини аниқлаш баённома билан расмийлаштирилади, у комиссия томонидан тузилади, комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади ва акция ташкилотчисида сақланади.
24. Акция натижалари ва ғолиблари компаниянинг <http://uzbekinvest.uz>, <http://insurance.uz>, Facebook, Instagram, Telegram веб-сайтларида интернет тармоғида жойлаштириб борилади.

5. Акция иштирокчиларини хабардор қилиш тартиби

25. Акция иштирокчиларини Акцияни ўтказиш муддатлари ва унинг шартлари тўғрисида хабардор қилиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:
Акция шартларини insurance.uz веб-сайтида жойлаштириш;
71 207 60 00 ишонч телефони орқали;
Акция ташкилотчисининг ихтиёрига кўра бошқа йўллар билан.